

**БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ТАФАККУР
ФАОЛЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ШАРТ-
ШАРОИТЛАРИ**

Ахмедова Наргиза Тойчибековна

Мирзо Улугбек номидаги УзМУ таълим тарбия маслахатчиси

Аннотация

Ушбу мақолада бошланғич синф ўқувчиларида тафаккур фаоллигини шакллантириш ва ривожлантиришга хизмат қилувчи педагогик шарт-шароитларнинг мазмуни очиб берилган. Тафаккур фаоллигининг педагогик моҳияти, уни рағбатлантирувчи омиллар, таълим муҳити, ўқув жараёнини ташкил этишдаги ёндашувлар таҳлил қилинган. Муаллиф таълимда ижодий фикрлашни қўллаб-қувватловчи, мустақил хулосалар чиқара оладиган шахс тарбиялашга йўналтирилган стратегик ёндашувларни асослаб беради.

Калит сўзлар:*тафаккур фаоллиги, бошланғич таълим, педагогик шарт-шароитлар, фикрлаш жараёни, методика, креативлик, мустақиллик.*

Кириш

Таълим тизимидаги ислохотлар ва миллий таълим дастурларида таъкидланган асосий вазифалардан бири – шахсни мустақил фикрлайдиган, тўғри ва мантиқий хулосалар чиқарадиган, муаммоларни ҳал этишга қодир инсон сифатида тарбиялашдир. Бу эса таълим жараёнида ўқувчининг тафаккур фаоллигини юксалтиришни талаб қилади. Бошланғич синф – шахсда фикрлаш асосларини шакллантиришда энг муҳим босқич ҳисобланади. Шу боис, ушбу босқичда олиб бориладиган педагогик ишларда тафаккур фаоллигини ривожлантиришга қаратилган методик ёндашувлар, ўқитиш муҳити ва ўқитувчи фаолияти муҳим аҳамиятга эга.

Асосий қисм

Бошланғич таълимда тафаккур фаоллигини ривожлантириш таълим методикасидаги долзарб масалалардан биридир. Тафаккур фаоллиги – бу ўқувчининг билимларни фаол ўзлаштириши, таҳлил қилиши, солиштириши, синтез қилишга интилиши, муаммоли ҳолатларга ижодий ёндашиши ва ўз нуқтаи назарини шакллантириши билан намоён бўлади.

Бундай фаолликни юксалтириш учун, аввало, таълим жараёни интерактив ва ижодкорликка асосланган бўлиши керак. Таълимнинг фаол усуллари, хусусан, “Ақлий ҳужум”, “Фикрлар хараитаси”, “Муаммоли вазият”, “Ролли ўйинлар”, “Кейс-метод” каби ёндашувлар болаларнинг фикрлаш қобилиятини фаоллаштиради. Шунингдек, фанлараро боғлиқликни таъминлаш, дарс жараёнини ҳаётий мисоллар билан бойитиш ва савол-жавоблар орқали муаммоли фикрлашни шакллантириш керак.

Педагогик шароит сифатида дарсда яратилган психологик муҳит ҳам муҳим ҳисобланади. Болада хатоликдан қўрқмаслик, эркин ифода қилиш, мустақил қарор қабул қилиш имконияти бўлмаса, унинг тафаккур фаоллиги тўлиқ ривожланмайди. Ўқитувчи болани рағбатлантирувчи, баҳоламасдан қўллаб-қувватловчи, жамоада ишлашга ўргатувчи тажрибаларни яратиши лозим.

Шунингдек, ота-оналар билан ҳамкорлик, уйдаги фаолият билан мактабдаги билимларни боғлаш орқали бола дунёқарашини кенгайтириш мумкин. Мисол учун, болага уйда турли машғулотлар (масалан, болаларга мўлжалланган квест-ўйинлар, мантиқий топишмоқлар, креатив бошқотирмалар) ташкил этиш орқали таълим жараёнини давом эттириш мумкин.

Таълимда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш ҳам боланинг тафаккур фаоллигига ижобий таъсир кўрсатади. Масалан, интерактив доскалар, мультимедиа қурилмалари, таълимий платформалар (LearningApps, Wordwall, Kahoot ва бошқалар) орқали ўқувчиларда визуал, мантиқий ва ижодий фикрлашни уйғунлаштириш мумкин.

Таълим мазмуни ҳам тафаккур фаоллигига хизмат қилувчи тарзда янгиланиши лозим. Ўқув дастурлари фақат фактларни ўзлаштиришга эмас, балки анализ, синтез, қиёслаш ва баҳолаш кўникмаларини шакллантиришга қаратилган бўлиши талаб этилади.

Хулоса

Бошланғич синфда тафаккур фаоллигини ривожлантириш келажакда мустақил фикрловчи, ижтимоий фаол шахсни вояга етказишда муҳим пойдевор вазифасини ўтайди. Бу жараёни самарали ташкил этиш учун педагогик шарт-шароитларни яратиш, ўқитувчиларни замонавий методика ва технологиялар билан таъминлаш, таълим муҳитини интерактив ва ижодий руҳда ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Педагог ўз фаолиятида бола марказидаги ёндашувни амалга ошириши, ҳар бир ўқувчида фикрлашга бўлган қизиқишни уйғотиши лозим.

Тафаккур фаоллигини юксалтириш бугунги таълимнинг асосий вазифаларидан бири сифатида қаралиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. В.В. Давыдов. Проблемы развивающего обучения. – Москва: Педагогика, 1996.
2. Жонмахмудова Ш. Бошланғич таълимда методик ёндашувлар. – Тошкент: TDPU, 2021.
3. Элконин Д.Б. Психология развивающего обучения. – Москва: Академия, 1995.
4. Гуломова З. Бошланғич синфларда педагогик технологиялар. – Тошкент: Fan, 2018.
5. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. – Тошкент, 2020.



**Research Science and
Innovation House**